

246 - وَعَنْ أَبِي عُمَارَةَ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: أَمَرَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِسَبْعٍ، وَتَهَانًا بِسَبْعٍ: أَمَرَنَا بِعِيَادَةِ الْمَرِيضِ، وَاتِّبَاعِ الْجَنَازَةِ، وَتَشْمِيتِ الْعَاطِسِ، وَإِبْرَارِ الْمُقْسِمِ، وَنَصْرِ الْمَظْلُومِ، وَإِجَابَةِ الدَّاعِي، وَإِفْشَاءِ السَّلَامِ، وَتَهَانًا عَنْ حَوَاتِيمِ أَوْ تَحْتَمِ بِالذَّهَبِ، وَعَنْ شُرْبِ بِالْفِضَّةِ، وَعَنْ الْمَيَاثِرِ الْحُمْرِ، وَعَنْ الْقَسِيِّ، وَعَنْ لُبْسِ الْحَرِيرِ وَالِاسْتَبْرَقِ وَالِدِّيَابِجِ. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ. [خ 5635، م 2066].

وَفِي رِوَايَةٍ: وَإِنْشَادِ الضَّالَّةِ فِي السَّبْعِ الْأُولِ.

وَ«الْمَيَاثِرِ» بِيَاءٍ مُتَنَاءَةٍ مِنْ تَحْتِ قَبْلِ الْأَلِفِ، وَثَاءٍ مُتَلَنَّةٍ بَعْدَهَا، وَهِيَ: جَمْعُ مَيْتْرَةٍ، وَهِيَ: شَيْءٌ يَتَّخَذُ مِنْ حَرِيرٍ، وَيُحْشَى قُطْنًا أَوْ غَيْرَهُ، وَيُجْعَلُ فِي السَّرَجِ كُورِ الْبَعِيرِ يَجْلِسُ عَلَيْهِ الرَّكَّابُ «وَالْقَسِيُّ» بِفَتْحِ الْقَافِ كَسْرِ السِّينِ الْمُهْمَلَةِ الْمُشَدَّدَةِ: وَهِيَ: ثِيَابٌ تَنْسَجُ مِنْ حَرِيرٍ وَكَتَّانٍ مُخْتَلِطَيْنِ. «وَإِنْشَادِ الضَّالَّةِ»: تَعْرِيفُهَا.

246. Абу Умора Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизни етти нарсага буюриб, етти нарсдан қайтардилар: беморни бориб кўришга, жанозага қатнашишга, акса урганга соғлик тилашга, қасамни бажаришга, мазлумга ёрдам беришга, таклифни қабул қилишга ва саломни кенг ёйишга буюрдилар. У зот бизни

тилла узуклардан ёки тилладан узук қилишдан, кумуш идишда ичишдан, туянинг маёсиридан, қассийдан, ипак, истаброқ ва дебож кийишдан қайтардилар».

Муттафақун алайҳ.

Бошқа бир ривоятда аввалги етти нарса қаторига «**Йўқолган нарсани топганда билдириш**» жумласи ҳам қўшилган.

Шарҳ: Маёсир – эгар устига тўшаладиган ипак тўшак;

Қассий – каноп ва ипакни аралаштириб тўқилган мато. Мисрдаги Қасс кишлоғига нисбат берилган;

Истаброқ – қалин ипак;

Дебож – юпқа ипак.

Баъзилар буларни тоза ипак эмас деб ўйлаб қолишлари мумкинлиги учун ҳадисда алоҳида-алоҳида таъкидланмоқда.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам доимо яхши ва фойдали нарсаларга амр қилиб, ёмон ва зарарли нарсалардан қайтарганлар.

Ушбу ҳадиси шарифдаги амр қилинган нарсаларни ҳам, наҳйи қилинган нарсаларни ҳам бирма-бир ўрганиб чиқсак, ушбу ҳолатни кўрамиз. Аввало, амр қилинган нарсалар ривоят қилинади:

1. «Бемор кўриш».

Бу ҳам мусулмон кишининг дин қардоши олдидаги бурчи. Бу иш дуо ва яхши тилакларга сабаб бўлиши, савоб олишга восита бўлиши билан бирга, ўзаро муҳаббат ва ижтимоий алоқаларни мустаҳкамланишига ҳамда яна бошқа кўпгина яхшиликларга сабаб бўлади.

2. «Жанозага эргашиш».

Яъни, биров ўлганда жанозасида қатнашиб, намозини ўқиб, дафнида иштирок қилиш. Бу иш билан инсон мусулмон биродарининг ўзида бўлган ҳаққини адо этади. Ўлим ўзига яраша оғир мусибат. Ўлган мусулмонни ҳурмат-эҳтиром билан жойига қўйиш тирик мусулмонларга фарзи кифоя. ҳар кимнинг бошида ҳам ўлим бор. Ким бошқа кишиларнинг ўлимида ҳурмат-эҳтиром кўрсатса, ўзи ҳам бошқалардан ҳурмат-эҳтиром кўради.

Шунингдек, ўлганнинг яқин кишилари, қариндош-уруғларининг ҳурмати, эътибори ҳам бор. Қайғули пайтда кўрсатилган одамгарчилик ижтимоий

алоқаларни яхшиланишига сабаб ҳам бўлади. Қолаверса, жанозада иштирок этган инсон ўзи учун кўпгина ваъз-насихатлар, ибратлар олади. У ўлимни эслайди, ўзини ўнглаб юриш кераклигини ёдга олади.

ҳозирги ўрганаётган фаслимиз эътиборидан биз учун ҳадиснинг айнан шу бўлими алоҳида эътиборга молик. Бошқа зикр қилинган нарсалар ўз фаслида келади.

3. «Акса урганга соғлик тилаш».

Бу ҳам муслмонлик бурчи. Ўзаро алоқаларни яхшилаш омилларида бири.

4. «Қасамни амалга ошириш».

Яъни, биров бир нарса хусусида қасам ичиб қўйган. Бошқа бир муслмоннинг ўша қасамни амалга оширишда ёрдам беришига имкони бор. У қасам ичган одамга ёрдам бериши лозим.

5. «Мазлумга ёрдам бериш».

Зулм Ислом дини наздида мункар ва ҳаром иш. Ер юзида зулм қолмаслиги керак. Муслмонлар доимо зулмга қарши курашмоқлари керак. Жумладан, мазлумга ёрдам бермоқлари лозим. ҳар ким имконига қараб, кимдир гап-сўз билан, кимдир амал билан мазлумдан зулмни кўтаришга уриниши керак.

6. «Чақириққа жавоб бериш».

Яъни, шариатга мувофиқ зиёфат, тўй ва маросимларга чақирилганда бориш. Бу ҳам ўзаро дўстлик, муҳаббат ва алоқаларни мустаҳкамланишига сабаб бўладиган иш.

7. «Саломга алик олиш».

Салом бериш суннат, алик олиш вожиб, дейилгани ҳам шу сабабдан. Чунки саломга алик олинмаса, орада адоват, уруш-жанжал ва муслмонлар ўртасида турли келишмовчиликлар чиқади.

Энди қайтарилган нарсалар ҳақида:

1. «Тилла узук».

Муслмон эркакларга тилло узук ва бошқа тақинчоқлар тақиш, ишлатиш ҳаром. Чунки бу нарсалар эркаклик хусусиятини йўқотишга, ортиқча фахр ва зебу зийнатга сабаб бўлади.

2. «Кумуш идишлар».

Эркак бўлсин, аёл бўлсин, муслмон одамга кумуш идиш ишлатиш ҳаром. Тилло идиш эса, ҳаромлиги турган гап. Чунки бу нарсаларни таом учун ишлатишда ортиқча зеб-зийнат, фахр, бошқаларнинг кўнглини синдириш каби кўпгина Ислом дини қарши бўлган омиллар бор.

3-4-5-6-7. Ипак, дебож - юпқа ипак, қассий - ёмон ипак, истаброқ - қалин ипак ва ипак тўқима».

Бу нарсалар ҳам муслмон эркакларга ҳаром.

Манба: hadis.islom.uz

